**Ушбу сонда:** 2 ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ | 3 TV – ДАСТУРИ | 4 ЖУМА ЎГИТЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 13 август, жума № 129 (1762)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси Ричард Майерсни қабул қилди.***

- Биз АҚШ билан муносабатларни юксак қадрлаймиз, - деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. - Ўзбекистон-АҚШ муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш икки мамлакат учун ҳам манфаатлидир.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ўзаро алоқаларини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Мамлакатимиз мазкур ҳужжат доирасидаги мажбуриятларига масъулият билан ёндашаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро террорчиликка қарши кураш борасида қатъиятли ва ҳамфикрдир.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Афғонистонда вазиятни тўла барқарорлаштиришдан ҳам манфаатдордир. АҚШ Афғонистонда тинчликни сақлаш ва террорчиликка қарши курашда халқаро коалицияга бошчилик қилмоқда, Ўзбекистон эса халқ хўжалиги инфратузилмаларини тиклашда фаол кўмаклашмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

***Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:***

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»):

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт;

«Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда буюм бозорларида якка тартибдаги тадбиркорнинг фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони амалга оширишга ҳақлидирлар.

2. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгилансин.

Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириши;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Адлия вазирлиги юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялар субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий солиқ органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида илгари давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2004 йил 1 ноябргача бўлган муддатда яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар)нинг Давлат солиқ инспекцияларида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

4. Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистри юритилишини, унга содир этилган импорт операциялари ва бюджетга тегишли тўловлар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўказилган ва регистрга киритилган якка тартибдаги тадбиркорларга импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталари берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказсин, 1 йил муддатга тегишли гувоҳнома берган ҳолда уларни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига тегишли ҳисобга олиш тартиб рақами билан киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарор чиққунга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва «Вақтинча сақлаш» режимида жойлаштирилган товарларнинг божхона расмийлаштируви илгари белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 август

## ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

***12 август куни мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларига кириш учун топширилган тест-синовларининг натижалари эълон қилинди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бу йил мавжуд олтмиш бир олий ўқув юртига бакалавриат йўналиши бўйича абитуриентлардан 245 мингга яқин ариза топширилган. Ана шу аризалар муаллифларидан 51 минг 175 нафари талабалик бахтига мушарраф бўлди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, олий ўқув юртига кириш истагидаги ёшлар йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда тест тизими МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб жорий этилди. Ўтган вақт ёшларни шу тизим асосида талабаликка танлаб олиш энг мақбул ва холис усул эканини тасдиқлади.

**(ЎзА)**





# ЎЗБЕК СЕНАТИ

***Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси - Сенатнинг маъмурий биноси қурилиши давом этмоқда.***



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилаётган муҳташам бу иншоотни «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси буюртмасига кўра бош пудратчилар - 12-ва 159-трест акциядорлик жамиятлари қурувчилари барпо этаётир.

Қурилиш ишлари жорий йилнинг ноябрь ойига қадар ниҳоясига етказилиши мўлжалланган. Шу мақсадда етти юз нафар қурувчи икки сменада астойдил меҳнат қиляпти.

Сенат мажлисларида бошқа давлатлар ва ҳукуматлар, парламент делегациялари раҳбарлари иштирок этиши, шунингдек халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирлар ўтказилишини ҳисобга олиб, бино меъморий ечими жиҳатидан ҳам жаҳон андозаларига ҳамда миллий анъаналаримизга мос бўлиши таъминланмоқда.

Кошонанинг олди қисмида фавворалар ва ҳовузлар барпо этилади. Бинонинг олд қисмида маҳобатли устунлар ўрнатилиб, тепасида қадимий шарқ меъморчилигининг энг илғор ютуқларидан ҳисобланган уч гумбаз қад ростлайди.



Безак ва нақшларни «Усто» уюшмасининг қўли гул ҳунармандлари ишлаяпти. Улар замонавий архитектуранинг қадимий миллий анъаналаримизга мутаносиб ва ҳамоҳанг бўлишини назарда тутиб, такрорланмас уйғунликка эришмоқдалар.

Бинога Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам жойлашади. Зеро, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг Конституциямизга нечоғли мослигини аниқлаш айнан шу муассаса ваколатига киради.

- Ҳозиргача қурилишда беш минг тоннадан зиёд металл ишлатилди, - деди 12-трест иккинчи механизациялашган кўчма бошқармаси бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамуҳаммедов ЎзА мухбирига. - Темир-бетон конструкциялари, махсус ойна, пластмасса маҳсулотларидан кенг фойдаланилгани бинонинг замонавий кўриниш касб этишида ва ўта мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборли томони, қурилиш маҳсулотларининг барчаси юртимиздаги корхоналарда маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган.

Айни пайтда тўрт қаватли иншоот биринчи қаватининг ташқи қисми қизил гранитдан қопланди ва қолган уч қавати оқ мармар билан пардозланади. Ишнинг аниқ ва тўғри олиб борилиши ягона тармоққа уланган компьютер тизими орқали тўлиқ назорат остига олинган.

**(ЎзА)**

*Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!*

# «ГУВОҲ»

## У қизил империя даврида ноҳақ равишда уч йил авахтага ташлангани ҳақида

***1986 йил, Асака шаҳри. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқоби остида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зўравонликлар, қийнов-қистовлар амалга оширилаётган пайт. Ўшанда Абдужаббор пахта тозалаш заводида товаршунос бўлиб ишларди. Раҳбару мутахассислар, ҳатто оддий ишчилар ҳам корхонага келишга безиллаб қолишганди. Милиция кийимидаги кимсалар директорни иш жойидан судраб олиб кетишганидан сўнг, бу қўрқув яна зўрайди. Боз устига Свердлов номли колхоз ғазначиси Андижондаги қамоқхонада қийноқлардан сўнг оғир аҳволда ўтганлиги ҳақидаги узун-юлуқ гаплар келиб турарди. Табиийки, ҳеч кимнинг қўли ишга бормасди.***

Абдужаббор корхона дарвозасидан ичкарига хатлади-ю, жим-житликни кўриб юраги орқага тортиб кетди. Сукунатни цехларда гуруллаб ишлаётган «жин» машиналарининг товуши бузиб турарди. У омборхонага ўтиб, бир четда нималарнидир гаплашиб ўтирган ишчиларга дуч келди. Галдаги юмушлар ҳақида улар билан фикрлашгач, хонасига кирди. Ўриндиққа минг хаёлда ўтирди. Шу тобда бурчакда кимдир турганини сезиб, шу томонга тикилди. Рўпарада форма кийган, қовоқ уйган кимса уни кузатиб турарди. У гувоҳномасини товаршуноснинг бурнигача тақаб, ўзини терговчи Тожибоев деб таништирди.

Терговчи гўёки оғир гуноҳ қилган, жиноятларга қўл урган киши билан суҳбатлашаётгандек дўқ-пўписа қилар, Абдужаббор ўзи яхши тушунмаган қандайдир айбларни бўйнига олиш кераклигини уқтирарди. Шунда мутахассис пахтани қабул қилиш, тарозидан ўтказишга мутлақо алоқаси йўқлиги, «қўшиб ёзиш» каби камчиликларни биринчи маротаба эшитиб турганлигини қайта-қайта таъкидласада, терговчи «бўлмасам сиз гувоҳ сифатида иштирок этасиз», дея йўлга ҳозирлик кўришни буюрди.

Тергов ва суд жараёни тўрт ярим ой давом этди. Отаси Абдуллаҳат ака, онаизори ҳамда хотини Абдужабборнинг «Пахта иши» бўйича айбланаётганлигини уйлари хатловдан ўтказилаётганда билишди. Ўша кезлар Абдужаббор 34 ёшда бўлиб, қарамоғида етти фарзанди бор эди. Қаранг, хатловда қизиқ ҳолат рўй берди. Терговчи айбдор данғиллама уйда яшаса керак, деб ўйлаганди. Лекин хонадондаги оддийгина турмуш тарзи, «пичоққа илинадиган» палосдан бўлак ҳеч вақо йўқлиги зўравоннинг хафсаласини пир қилди. Шунда ҳам палосни мусодара қилишди. Қўлида папка кўтарган кимса хонама-хона жаҳл билан юрар, ўзича нималарнидир ғулдираб, невараларини бағрига босганча дир-дир титраётган аёлга ёв қараш қилarди.

Ниҳоят вилоят судьяси 1986 йил 20 июн куни Асака туманидаги 14 киши қаторида Абдужаббор Йўлчиевни ҳам уч йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақидаги ҳукмни ўқиди. Суд залида ўтирганлар беихтиёр ноҳақлик, адолатсизликдан бағоят эзилган, мукайиб қолган Абдужабборнинг падари-бузрукворига қарашади. Ахир, умр бўйи боғбонлик қилиб, боғлар, узумзорлар яратган, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин этиш орзусида бўлган кишиларни бунчалар хўрлаш адолатсизликнинг, инсон ҳақ-ҳуқуқини чеклашнинг айни ўзгинаси эмасми. Ота-болага қучоқлашиб хайрлашишга ҳам изн беришмади. Абдужаббор отасини ҳеч қачон йиғлаганини кўрмаганди. Ҳеч ким фарзандим демасин экан. Қисқа вақт ичида ота-она тўкилиб тушди. Шунда ҳам хонадон соҳиби адолат излаб, турли идора ва ташкилотларга қатнади, Москвагача хат йўллади. Бироқ унинг додига қулоқ соладиган топилмади... Абдужаббор вилоят ҳибсхонасида тўққиз ой тутқинликда бўлди. Бу ердаги бир-биридан хунук воқеалар умрини эговларди. Ўша пайтдаги Свердлов номли колхоз ғазначиси Абдужалил акани маъмурлар ит азобига солишди. «Айбига» иқрор қилиш учун дам-бадам сўроққа чақириб азоблашарди. Кўп ўтмай ғазначи касалланиб, чўпдек озиб кетди. Йигирма кун ўтар-ўтмай оламдан кўз юмди. Қорабоев номли колхоз бошқаруви раиси ҳам жазо муддатини Абдужаббор билан совуқ ўлкаларда ўтказди. Раис уйига қайтгач, саломатлигидан айрилганини, қийноқ-қистовлар ўз кучини кўрсатганини шундагина сезди. У ҳам армон билан оламдан кўз юмди.

Барча юртдошларимиз қатори Абдужаббор Йўлчиевга ўхшаган «Пахта иши» жабрдийдалари ҳам Ўзбекистон мустақиллигини кўзларида севинч ёшлари ила, қувона-қувона қарши олдилар. Ўзбекистон Президентининг ҳаётбахш Фармони шарофати ила у жазони ўташ маҳкамасидан озод этилди. Истиқлол туфайли ёруғликка чиққан мутахассис эндиликда ўғиллари Дилмурод, Дилшодбек билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. У бу йил корхона касаба уюшма қўмитасининг йўлланмаси билан Фарғонадаги ажойиб сиҳатгоҳда дам олиб қайтди.

– Мустақиллик, аввало оддий меҳнат кишисининг қадр-қимматини ўрнига қўйди, инсондек яшаш, меҳнат қилиш, саъй-ҳаракатларнинг роҳатини кўриш ва энг муҳими ўз еримизда, ўз юртимизда кўкрак кериб, бошимизни баланд кўтариб юришимизни таъминлади. Эндиликда фарзандларимни ёнимга олиб, мустақилликни мустаҳкамлаш учун бутун куч, имкониятимизни ишга солаяпмиз, - дейди пировардида «Пахта иши» жабрдийдаси Абдужаббор Йўлчиев.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Андижон вилояти марказида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда. Темир йўл вокзали билан иккига бўлинган Бобур хиёбони реконструкция қилинмоқда. Шаҳар бош режасига мувофиқ, темир йўл вокзали устидан қурилаётган кўприк хиёбоннинг икки томонини бирлаштиради. Ҳозирда хиёбонни кенгайтириш мақсадида икки томондаги эски бинолар бузиб ташланди. Уларнинг ўрнига ўнлаб янги маданий-маиший бинолар қурилмоқда.

Шаҳарнинг асосий транспорт йўлларидан бирини қайта қуришда «Андижонвилоятқурилиш», «Ирқурилиш», «Автойўл» акционерлик жамиятлари ва бошқа қатор қурилиш жамоалари иштирок этмоқда. Навоий хиёбонида эса 1991 йилгача қурилган турар-жой бинолари тўлиқ таъмирланмоқда. Уйларнинг шифти, сантехника ва иситиш ускуналари янгиланмоқда.

- Бу йил 120 та шундай уйни тўлиқ таъмирдан чиқариш режалаштирилган,- дейди вилоят ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи ўринбосари О.Исмоилов. - Уларнинг 115 таси маҳаллий бюджет, 5 таси ҳомийлар маблағлари ҳисобига молияланмоқда. Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида Мустақиллик кунига режали тайёргарлик олиб борилмоқда. Ҳудудлар ободонлаштирилмоқда, ариқлар тозаланмоқда.

Сойгузар маҳалла фуқаролар йиғини эса шу кунларда янги бинога кўчиб ўтди. «Андижон механика заводи» акционерлик жамияти олти хонадан иборат янги бинони қуриб берди. Бу ерда «Халқ банки» бўлими ҳам очилди.

